SCIENCE HUB REVIEW
2026
Volume 1
Issue 4
www.sciencehubreview.uz
ILMIY ELEKTRON JURNAL

# АДВОКАТЛИК ИНСТИТУТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА СОҲАДАГИ МУАММОЛАР ЮЗАСИДАН ТАЛАБА НУҚТАИ НАЗАРИДАН КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

***Уразбоев Жавохирбек Марат ўғли***

***Тошкент давлат юридик университети***
***Магистратура талабаси***

***Аннотация***

*Мақолада адвокатура институтини ривожлантиришга оид янгиланаётган Конституциядаги нормалар (XXIV боб, 141 ва 142-моддалар), шунингдек шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари бобидаги адвокатлик фаолияти билан боғлиқ кафолатлар (шахс ушланган вақтдан бошлаб ўзи танлаган адвокат хизматидан фойдаланиши, сукут сақлаш ҳуқуқи, қонунга хилоф равишда олинган далилларнинг айблаш учун асос бўлмаслиги, айбсизлик презумпцияси) таҳлил қилинган. Соҳадаги муаммолар талаба нуқтаи назаридан ёритилиб, уларни ҳал этиш бўйича ўнта таклиф илгари сурилган: адвокатлар сонини халқаро стандартларга мослаштириш, соҳага ёшларни жалб қилиш, адвокатнинг касб этикаси қоидалари, махсус кийими ва нишонини жорий қилиш, адвокатларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши, марказлашган бошқарув тизимини яратиш, кириш ва аъзолик бадалларидан фойдаланишни назорат қилиш, адвокатнинг мустақиллиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш ҳамда "чўнтак адвокатлар"дан воз кечиш.*

***Калит сўзлар***

*адвокатура, адвокат, Конституция, ўзини ўзи бошқариш, Адвокатлар палатаси, инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти, малакали юридик ёрдам.*

***Аннотация***

*(на русском языке)*

*Креативный подход к проблемам развития института адвокатуры с точки зрения студента*

*В статье анализируются нормы обновляемой Конституции, посвящённые институту адвокатуры (глава XXIV, статьи 141 и 142), а также связанные с адвокатской деятельностью гарантии в главе о правах и свободах личности (право пользоваться услугами избранного адвоката с момента задержания, право хранить молчание, недопустимость использования незаконно полученных доказательств для обвинения, презумпция невиновности). С позиции студента*

*рассмотрены проблемы отрасли и выдвинуто десять предложений по их решению: приведение численности адвокатов в соответствие с международными стандартами, привлечение молодёжи, разработка правил профессиональной этики и введение специальной одежды и нагрудного знака адвоката, обеспеченность адвокатами регионов, создание централизованной системы управления, контроль за использованием вступительных и членских взносов, укрепление независимости и социальной защиты адвокатов, предоставление налоговых и иных льгот, отказ от «карманных адвокатов».*
***Ключевые слова***
*адвокатура, адвокат, Конституция, самоуправление, Палата адвокатов, права человека, гражданское общество, квалифицированная юридическая помощь.*
***Abstract***
*A Creative Approach to Problems in the Development of the Advocacy Institution from a Student's Perspective*
*The article examines the provisions of the renewed Constitution on the institution of advocacy (Chapter XXIV, Articles 141 and 142) and the related guarantees in the chapter on individual rights and freedoms (the right to a lawyer of one's choice from the moment of detention, the right to remain silent, the inadmissibility of unlawfully obtained evidence as grounds for a charge, and the presumption of innocence). Problems of the field are discussed from a student's perspective, and ten proposals are put forward: bringing the number of lawyers in line with international standards, attracting young people, introducing rules of professional ethics together with a lawyer's official attire and badge, ensuring regional coverage by lawyers, creating a centralized management system, supervising the use of entry and membership fees, strengthening lawyers' independence and social protection, providing tax and other incentives, and abandoning "pocket lawyers".*
***Keywords***
*advocacy, lawyer, Constitution, self-governance, Chamber of Advocates, human rights, civil society, qualified legal assistance.*

Кириш

Адвокатура институти жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланади. Ушбу соҳасиз жамиятни тасаввур қилиш қийин. Ҳақиқий фуқаролик жамияти қуриш учун адвокатура институтини ривожлантириш шарт. Ушбу ҳолат халқаро тажрибалардан исботланган. Охирги йилларда ушбу соҳада жуда катта ўзгаришлар бўлмоқда ва давлатимиз раҳбари томонидан адвокатура институтини ривожлантириш борасига катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳатто янгиланган Конституцияда бу ҳолат ўз аксини ҳам топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида алоҳида боб, яъни 24-боб сифатида адвокатура фаолияти билан боғлиқ бўлган икки модда, 141 ҳамда 142-моддалар киритилди.

Ушбу моддаларга назар солсак, жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам бериш адвокатлик фаолияти орқали амалга оширилиши, адвокатлик фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланиши, адвокатлик фаолияти қонун билан белгиланиши, фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги, адвокат шаъни, қадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлиши ва қонун билан муҳофаза қилиниши белгиланган. Юзаки қараган инсон "икки модда билан чегараланганми" деган хулосага келиши мумкин, аслида эса ушбу Конституциянинг шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари бобига эътибор берсангиз, адвокатлик фаолияти билан боғлиқ кўплаб нормалар киритилган. Масалан, шахс ушланган вақтдан бошлаб ўзи танлаган адвокат хизматидан фойдаланиш, ушланган вақтдан бошлаб сукут сақлаш, қонунга хилоф равишда олинган далиллар айблаш учун асос бўлмаслиги, ҳеч ким суднинг қонуний кучга кирган ҳукмисиз айбдор деб саналмаслиги ва бошқа кўплаб нормалар фақат ва фақат инсон манфаатлари учун хизмат қилиши учун киритилмоқда. Ушбу "Миранда", "Хабеас корпус" қоидаларининг киритилиши халқаро ҳуқуқда эътироф этилган қоидалардир, шунингдек инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон манфаатларини юксакларга кўтариш, фуқаролик жамияти қуриш олий мақсад қилиб олинган.

Бу қоидалар киритилиши адвокатура билан прокуратура тенглигини таъминлаш, тортишувчанлик принциплари амалда ишлашини юзага келтириш, шунингдек адвокатура институтини том маънода ҳақиқий инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасини яратишдан иборат.

Адвокатура институти борасидаги ўзгаришлар билан бир қаторда кўплаб муаммолар ушбу соҳанинг ривожланишига ва обрўсизланишига ҳам олиб келмоқда. Ушбу муаммолар ва таклифларни Тошкент давлат юридик университети магистранти нуқтаи назаридан ушбу муаммолар ечими борасида креатив ёндашсак, жамиятнинг бир аъзоси сифатида тўғри тушунасиз деган умиддамиз.

Асосий қисм: соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар

1) Соҳада Республикамиз аҳоли сонига нисбатан адвокатларнинг сонини халқаро стандартлар асосида етказиш, яъни халқаро стандартлар асосида 5000 аҳоли сонига

бир адвокат тўғри келиши назарда тутилган бўлса, бизда ҳозирда адвокатлар сони атиги 5000 дан ошиқлигини инобатга олсак, бу етарли эмаслиги, адвокатларга республикамизда эҳтиёж борлигини англатади.

2) Республикамиздаги адвокатлар ёшига эътибор қарайдиган бўлсак, 40 ёш ва ундан катта бўлган адвокатлар 70–80 фоизни ташкил этишини инобатга олсак, бу ҳам ижобий, ҳам салбий ҳолатдир. Чунки соҳада тажрибали адвокатлар борлиги соҳанинг сифат даражасини ривожланишига, соҳада “устоз-шогирд” анъаналарига содиқ бўлишига олиб келади. Лекин ўта ёши катта соҳа вакиллари кўплиги ҳам халқаро тажрибаларга кўра соҳанинг қотиб қолишига, ўзи устидан ишлашдан тўхтаб қолишига ва замон билан ҳамнафас ривожланишига тўсиқ бўлади. Шунинг учун соҳани ёшлар билан тўлдириш, ёшларни жалб қилиш борасидаги муаммоларни ечишдан иборат.

3) Ёшларни соҳага жалб қилиш ўз-ўзидан бўлмайди, ёшларнинг ушбу соҳага қизиқишини ошириш борасида кўплаб ишлар, тадбирлар қилиниши зарур. Аввало олий ўқув юртларида ушбу соҳани тайёрлайдиган махсус курслар, факультетлар ташкил қилиниши, соҳани ривожлантириш учун махсус адабиётлар чиқариш, халқаро тажрибаларни жорий қилиш шулар жумласидандир.

4) Адвокатлик фаолиятида адвокатларнинг суриштирув, тергов ва судда ҳақиқий ўрнини яратиш устида бош қотириш зарур. Оддийгина суд жараёнларида судья ва прокурорнинг махсус кийимлари борлиги бир маънони англатади. Адвокатларнинг ҳам касб этикаси ва эстетикаси қоидаларини ишлаб чиқиш, уни бажаришнинг шартлигини таъминлаш, бунда адвокатнинг махсус кийими (масалан, анъанавий костюм-шим, галстук), адвокат нишонини жорий қилиш ва суриштирув, тергов ва судда ушбу қоидаларга амал қилиш ва ҳақиқий ҳуқуқий маданиятлилигини кўрсатиш зарур.

5) Республикамизда адвокатлар мумкин қадар пойтахтга келишга интилади ва статистик маълумотларга эътибор қаратилса, Тошкент шаҳридаги адвокатлар сони ва ушбу сондаги бошқа вилоятлардан келган адвокатлар сонини таҳлил қилинса, бошқа вилоят фуқаролари бўлган адвокатлар Тошкент шаҳрида фаолият юритаётганлигини кўриш мумкин. Тўғри, Тошкент шаҳри халқаро мега

шаҳарлардан, ундаги аҳоли сони ва ундаги ишлар сонини бошқа вилоятларга тенглаштириб бўлмайди, лекин бошқа вилоят аҳолисини ҳам ўйлашимиз керак, ундаги аҳоли ҳам малакали юридик ёрдамга муҳтож ва уни талаб қилишга ҳақлидир. Ушбу масала ҳам ечилмасдан очиқлигича қолмоқда. Ҳатто вилоятимизда айрим туманларда бир ёки икки адвокат фаолият кўрсатади, ҳатто айрим туманларда адвокат йўқлигини ҳам кўришимиз мумкин. Бу ҳолатда нафақат фуқаролар, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ҳам навбатчи адвокат муаммосини ҳал қила олмайди ва бошқа ҳудудлардан адвокатларни жалб қилиш эвазига таъминланади. Тасаввур қилинг, бошқа ҳудуддан адвокат келиш вақти ва унга юридик ёрдам бериш сифатини ўйласак, жуда катта қўрқиб кетадиган даражада инсон ҳуқуқлари поймол бўлишини кўришимиз мумкин.

6) Адвокатура фаолиятида биз биламизки, адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмаси ва адвокатлик бюролари мавжуд. Асосан адвокатлик бюролари кўпчиликни ташкил қилади. Уларга ҳатто уйларидан юридик манзил очишлари учун рухсат берилган. Энг катта муаммо — Адвокатлар палатаси ёки ҳудудий бошқармалари барча тузилмалар ишини назорат қила оладими деган савол қийнайди, чунки юридик манзили сифатида уйини кўрсатган бўлса-да, ушбу бюро фаолияти олиб бориш учун адвокатнинг уйида шароит яратилганми, масалан, фуқаро билан гаплашиши ёки адвокат касбий вазифасини бажариши учун ёки бюро очиш учун номигагина қилинганми, деган саволлар туғилиши табиий ҳол. Адвокат хизмат хонаси бўлмаганидан кейин ҳар хил шароитда фуқаролар билан кўчада гаплашиши ёки шартномалар қилиши жуда мудҳиш ҳодиса. Шунинг учун марказлашган бошқарув тизимини яратиш вақти келди деб ҳисоблайман, барча республикадаги тузилмаларни назорат қила оладиган даражада бошқарув тизимини янгидан яратиш лозимдир.

7) Адвокатлик тузилмаларига Адвокатлар палатаси томонидан амалий ёрдамлар берилмоқдами, Адвокатлар палатаси адвокатлар учун қандай қулайликлар яратганлиги, адвокатларнинг кириш ва аъзолик бадаллари қандай мақсадларда сарфланишини қаттиқ назорат қилиш, ушбу маблағлар адвокатура институтини ривожлантириш, адвокатларга шарт-шароит яратиш ва замон талабларига мос

қулайликлар яратиш борасида сарфланганлигини таҳлил қилиш лозимдир. Вилоят ҳудудий бошқармалари ва тузилмалардаги шарт-шароитларни кўрсангиз, эски замон ишлаш тизимидан воз кечмаганимизни тушунасиз.

8) Ҳақиқий адвокат мустақиллигига эришиш, унинг шаъни, қадр-қиммати ва дахлсизлиги, шунингдек ижтимоий ҳимояси борасида кафолатли қонунлар қабул қилиш ва дастлаб Адвокатлар палатасидаги Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозим бўлади.

9) Адвокатлик фаолиятига эркинлик ва енгиллик бериш масаласига алоҳида эътибор бериш, солиқ ставкаларини камайтириш, адвокатлик тузилмаларига имтиёзли кредитлар бериш, субсидиялар бериш, имтиёзли ижара ҳақи усулларини яратиш ва умуман олганда фаолияти учун шарт-шароит яратиш борасида янгича ёндашиш лозим.

10) Адвокатлар ўртасида “чўнтак адвокатлар”дан воз кечиш. Адвокатларнинг касбий маҳоратини ошириш борасида янги тизим яратиш, адвокатларнинг ҳақиқий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида етук мутахассисларни танлаб олиш, адвокатларнинг сифат ва билим даражасига эътибор қаратиш, фуқароларнинг адвокатларга бўлган ишончини ошириш учун барча тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади.

Хулоса

Юқоридаги ушбу муаммолар балки бир томонлама ёндашув бўлиши мумкиндир, лекин муаммолар борлиги ва ечими ҳанузгача ҳал бўлмаётганлиги ҳақиқат. Шунинг учун адвокатура институтини ривожлантириш борасида ҳали кўплаб ишлар қилиниши кераклигини ҳаммамиз биламиз, лекин амалга ошириш усулларини яратиш зарурдир.

Ушбу мақола орқали озгина бўлса-да ўз бурчимизни бажариб, нимагадир туртки бўлсак, ўз вазифамизни бажарган ҳисобланардик ва адвокатура институтини ҳақиқий инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, уларга малакали юридик ёрдам кўрсатувчи куч бўлишини хоҳлаймиз ва бу эса ҳозирги замон талабидир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (янги таҳрир), XXIV боб, 141–142-моддалар. — URL: https://lex.uz/acts/6445145 (мурожаат санаси: 06.11.2026).

2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 349-I-сонли «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни. — URL: https://lex.uz/docs/54503 (мурожаат санаси: 06.11.2026).

3. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни. — URL: https://lex.uz/mact/29626 (мурожаат санаси: 06.11.2026).